

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБЛЯЗОВ ОТАБЕК ВАХАБОВИЧ

**БЕЛ УМУРТҚА СТЕНОЗИНИНГ ТУРЛИ ВАРИАНТЛАРИДА НУР
ТАШХИСИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Аблязов Отабек Вахабович	3
Бел умуртқа стенозининг турли вариантларида нур ташхисий усулларини такомиллаштириш	
Аблязов Отабек Вахабович	27
Совершенствование методов лучевой диагностики различных вариантов поясничного позвоночного стеноза	
Ablyazov Otabek Vahabovich	51
Improvement of methods of radiodiagnosis of different variants of lumbar spinal stenosis	
Эълон қилинган ишлар рўйхати	55
Список опубликованных работ List of published orks.....	

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБЛЯЗОВ ОТАБЕК ВАХАБОВИЧ

**БЕЛ УМУРТҚА СТЕНОЗИНИНГ ТУРЛИ ВАРИАНТЛАРИДА НУР
ТАШХИСИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.DSc/Tib91 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Икрамов Адхам Ильхамович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Черемисин Владимир Максимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зарединов Дамир Арифович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Сибир давлат тиббиёт университети» Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «бел оғриғи шифокорга мурожаат сабабларининг ўртасида иккинчи ўринни, госпитализация сабаблари ўртасида эса учинчи ўринни эгаллайди. Неврологик стационарлар беморларининг 80% ини умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморлар ташкил этади.»¹ «Ҳозирги даврда умуртқа каналининг дегенератив стенози 45 ёшдан юқори бўлган шахслар ўртасидаги вақтинчалик ногиронликнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири ҳисобланади.»² Шунда дегенератив шикастланишнинг бел-думғаза соҳа локализацияси 60% дан кўпроқ беморларда учрайди. Ҳозирги пайтга қадар «умуртқа поғонасининг дегенератив ва бошқа касалликлари натижасида юзага келган бел умуртқа стенозини ташхислаш муаммолари ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан ҳам.»³

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб аҳолига мутлақо янги, сифатли тиббий ёрдам ташкил этиш бўйича тизимли чоратадбирлар амалга оширилди ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарали моделлари татбиқ этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида, умуртқанинг турли касалликларини батафсил ўрганиш имконини берувчи баланд полли магнит-резонанс (МРТ) ва мультислайс компьютер томографлар (КТ) каби нур ташхислашнинг энг янги тизимларини клиник амалиётга жорий этиш ҳисобига умуртқа канали стенози диагностикаси сифатини яхшилашда ижобий самараларга эришилди. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, нур ташхислаш бўйича ҳам, мақсадли чоралар ўтказилишига қарамай, ўз ечимини қутаётган бир қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида вазифалар белгиланган⁴. Шунга мувофиқ равишда, умуртқа канали стенозида умуртқа поғонасидаги клиник-функционал ўзгаришларни ўрганиш ва тиббий ёрдамни оптималлаштириш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ World Health Organization. Spinal disorders: fact sheet no. 238. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs297/en>, accessed September 10.

² Луцик А.А., Епифанцев А.Г., Крутько А.В., Колотов Е.Б., Аминов Р.Р., Бондаренко Г.Ю. Дорсальные и вентральные декомпрессивно-стабилизирующие операции при одноуровневом комбинированном латеральном стенозе поясничного отдела позвоночника // Хирургия позвоночника, 2012, №1, С. 54–61.

³ Schwaiger BJ, Behr M, Gersing AS, Meyer B, Zimmer C, Kirschke JS, Ryang YM, Ringel F. Computed Tomography Findings Associated with Clinical Outcome After Dynamic Posterior Stabilization of the Lumbar Spine // World Neurosurg 2016 Sep;93:306-14.

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Дунё миқёсида нур ташхислашнинг ривожланиши умуртқа канали стенози билан беморларни даволаш сифатини яхшилашга ёрдам беради, лекин «бел умуртқа стенози клиник белгиларининг хилма-хиллигига карамай, замонавий клиник амалиётда, одатда, уларга нур ташхис усулларида диагноз қўйилади».¹ «Бел умуртқа стенозининг эрта, ишончли ва шу билан бирга ноинвазив диагностикаси муаммолари ўз ечимини топишдан йироқ». Умуртқа поғонасининг бел соҳаси (УПБ) стенозида нур ташхислаш тафсилотларининг кўплаб масалалари очиклигича қолмоқда. Рентгенография, КТ ва МРТда меёрда ва умуртқа канали стенозида қиёсий метрик нормативларни ишлаб чиқиш масалалари бугунги кунда энг долзарблардан бўлиб қолмоқда. Нур ташхислаш усуллари (КТ ва МРТ) ёрдамида УПБ юзасини ўлчаш усули тўлақонли шаклланмаган, чунки бел умуртқа канали стенозида патологиянинг барча ҳажмини қамраб олмайди. Шу жумладан, марказий ва латерал стенозлар оғирлик даражасини аниқлаш ва тегишли равишда даволашнинг оптимал усулини танлаш имконини кенгайтириш учун классификацион диагностик мезонларни ишлаб чиқиш масалалари аҳамияти юқорилигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Бел умуртқа стенозини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий

¹ Tonosu J, Inanami H, Oka H, Katsuhira J, Takano Y, Koga H, Yuzawa Y, Shiboi R, Oshima Y, Baba S, Tanaka S, Matsudaira K. Diagnosing Discogenic Low Back Pain Associated with Degenerative Disc Disease Using a Medical Interview // PLoS One. 2016 Nov 7;11(11):e0166031.

² Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалардан фойдаланиб ўтказилган: Rai PV, Santosh K, Chakraborti S, Pai S, Keerthi I, Pai MK. A blast from the past!: The value of adding single slice magnetic resonance myelography sequence to magnetic resonance imaging of the spine; a flashback to the conventional myelography of the past // Surg Neurol Int. 2014 Dec 30;5(Suppl 15):S523-8. Szwedowski D, Walecki J. Spinal Cord Injury without Radiographic Abnormality (SCIWORA) - Clinical and Radiological Aspects // Pol J Radiol. 2014 Dec 8; 79:461-4. Sumer J, Schmidt D, Ritt P, Lell M, Forst R, Kuwert T, Richter R. SPECT/CT in patients with lower back pain after lumbar fusion surgery // Nucl Med Commun. 2013 Oct; 34(10):964-70. Mayer HM, Heider F. Selective, microsurgical cross-over decompression of multisegmental degenerative lumbar spinal stenoses: the "Slalom" technique // Oper Orthop Traumatol. 2013 Feb;25(1):47-62. Antoniadis A, Ulrich NH, Schmid S, Farshad M, Min K. Decompression surgery for lumbar spinal canal stenosis in octogenarians; a single center experience of 121 consecutive patients. // Br J Neurosurg. 2016 Sep 20:1-5.

ўқув юртларида, шу жумладан, Department of Radiodiagnosis, Kasturba Medical college, Manipal University, (India); Department of Radiology and Diagnostic Imaging, Medical Center of Postgraduate Education (Poland); Clinic of Nuclear Medicine, Friedrich-Alexander-University (Germany); Wirbelsäulenzentrum, Schön Klinik München-Harlaching, Harlachinger (Deutschland). Department of Orthopedics, University Hospital Balgrist, University of Zurich (Switzerland); Department of Medical Research and Management for Musculoskeletal Pain, 22nd Century Medical and Research Center, Faculty of Medicine, The University of Tokyo (Japan); Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли “Акад. Н.Н.Бурденко номидаги Миллий нейрохирургия илмий-амалий маркази” (Россия), Республика Нейрохирургия илмий марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бел-думғаза локализацияли дегенератив шикастланишларни ташхислаш ва даволаш бўйича дунёда ўтказилган тадқиқотлар пировардида қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан: умуртқааро дискни чиқиб қолиши, умуртқаларни антелистеzi, ретролистеzi ва латеролистеzi, умуртқа танаси остеофитлари ва бўғимлар фасеткалари, орқа бўйлама ва сарик боғламалар гипертрофияси ва оссификацияси ҳамда умуртқа поғонасининг канал ичи патологиялари каби бел умуртқа сегментидаги дегенератив ва дислокацион жараёнлар умуртқа канали, латерал рецессус, фораминал тешик кичрайишига, яъни бел умуртқа стенози шаклланишига олиб келади (Department of Neurosurgery, Ain Shams University, Egypt), аниқланишича, бел умуртқа стенози ривожланиш принципларининг верификацияси ва унинг диагностикаси учун бел умуртқа поғонаси нормал анатомиясини ўрганиш лозим, ҳамда юқорида кўрсатилган бел умуртқасининг патологик ҳолатларини норма билан таққослаб, бел умуртқа стенозини оғирлик даражасини аниқлаш мумкин (Department of Spine, Shandong Provincial Hospital Affiliated to Shandong University, China). Канал кичрайишига олиб келувчи умуртқа поғонасининг бел соҳасидаги структурали ўзгаришлар нур ташхислаш усуллари ёрдамида яхши аниқланиши исботланди, аммо, нур ташхислаш усуллариининг бел умуртқа стенозини аниқлашдаги диагностик қиммати жуда фарқланади: баъзи тадқиқотларда унинг юқори сезувчанлиги кўрсатилган бўлса, бошқа тадқиқотлар эса нур ташхислаш усулини юқори спецификлигини кўрсатди (Department of Orthopedics, University Hospital Balgrist, University of Zurich, Switzerland).

Хозирги вақтда дунёда бел умуртқа стенозини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, шу жумладан: УПБ нормал ва патологик параметрларини аниқлашда рентгенологик, КТ ва МРТ усуллариини информативлик даражасининг қиёсий таҳлили; бел умуртқа стенозига олиб келувчи УПБ суяк ва юмшоқ тўқималарининг патологик радиологик параметрларини аниқлаш; бел умуртқа стенози оғирлик даражасини аниқлаб берувчи нур ташхислаш усуллариини юқори информатив вариантларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда «бел умуртқа стенози умуртқа поғонасининг умумий патологиялари ичида кўп

учрайдиган ва етарлича ўрганилган касаллик эканлигини» кўрсатувчи фундаментал тадқиқотлар бор. Шунга қарамасдан, адабиётдаги маълумотлар бел умуртқа стенози муаммолари долзарблигича қолаётганини кўрсатмоқда» (Winklhofer S, Held U, et al.¹, Asil K, Yaldiz C², Li X1, Bai X, Wu Y, Ruan D³). Тадқиқотчилар компенсирланган, субкомпенсирланган ва декомпенсирланган спинал стенозни оғирлик даражалари мезонларини аниқлашда бир фикрга келишолмаган, марказий ва латерал стеноз параметраларининг кўплаб метрик кўрсаткичлари бўйича келишмовчиликлар мавжуд.

Макиров С.К.⁴ ва Гринберг М.С.⁵ ларнинг фикрига кўра, «бел умуртқа стенози ташхисини шакллаш учун, оптимал ва энг самарали даволаш усулини танлаш учун нур ташхислаш усуллари муҳим рол ўйнайди». КТ ва МРТ юқори технологик тадқиқот усули бўлиб, умуртқа поғонасининг суяк ва юмшоқ тўқималарининг нормал ва патологик тасвирларини олишда инқилобга олиб келди ва умуртқа поғонаси бел қисми стенозини эрта ташхислашда универсал усуллардан бири бўлиб қолди, обзорли рентгенография эса «тахминий» текшириш усули бўлиб қолмоқда. Шунга қарамасдан, «вертебрологияда ўз мақсади, вазифалари ва кўрсатмаларига эга бўлган турли нур ташхислаш усуллари фақатгина тўғри муносабатдагина уларга юкланган вазифаларни бажариши мумкин». (Kovacs FM, Arana E⁶, Chen X, Feng S, Guan H, et al.⁷).

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили бел умуртқа стенозини ташхислаш мезонлари ва усулларини замонавий нур ташхислаш усуллари имкониятларидан фойдаланган ҳолда стандартизациялашни такомиллаштириш мақсадида илмий изланишларни давом эттириш зарурлигини кўрсатмоқда, шу билан бирга бел локализацияли дегенератив шикастланишларни эрта ташхислаш асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, бу эса ташхислаш ва даволаш тактикасини янада такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқотлар режасига мос равишда «Хусусий, умумий жарроҳлик ва шошилишч тиббий

1 Winklhofer S, Held U, Burgstaller JM, et al. Degenerative lumbar spinal canal stenosis: intra- and inter-reader agreement for magnetic resonance imaging parameters // Eur Spine J. 2016 Jun 22.

2 Asil K, Yaldiz C. Retrospective Comparison of Radiological and Clinical Outcomes of PLIF and TLIF Techniques in Patients Who Underwent Lumbar Spinal Posterior Stabilization // Medicine (Baltimore). 2016 Apr;95(17):e3235

3 Li X1, Bai X, Wu Y, Ruan D. A valid model for predicting responsible nerve roots in lumbar degenerative disease with diagnostic doubt // BMC Musculoskelet Disord. 2016 Mar 15;17:128

4 Макиров С.К. Хирургическое лечение структурно-функциональных нарушений при остеохондрозе поясничного отдела позвоночника: Дис. ... д-ра мед.наук : 14.00.22 / ММА им. И.М. Сеченова. – Москва, 2006.

5 Гринберг М.С. Нейрохирургия /пер. с англ. – М. : МЕДпресс информ, 2010.

6 Kovacs FM, Arana E. Degenerative disease of the lumbar spine // Radiologia. 2016 Apr;58 Suppl 1:26-34

7 Chen X, Feng S, Guan H, Yu Z, Cui L, Wang Y, Xu S, Yuan X. Radiological characteristics and clinical manifestation of isolated lumbar foraminal stenosis // Zhonghua Wai Ke Za Zhi. 2015 Aug 1;53(8):584-8

ёрдамнинг янги технологиялари» мавзусидаги лойиҳага асосан бажарилган (Давлат қайд рақами 02090009, 2009-2013 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади нур ташхислаш усуллари ёрдамида бел умуртқа поғонаси суяк ва юмшоқ тўқималарининг нормал ва патологик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш, нур ташхислашда бел умуртқа стенози турли вариантларини янгича ўлчаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

патологиясиз бўлган шахслар (назорат гуруҳи) ва умуртқа поғонаси бел қисми стенози бўлган беморлар гуруҳи учун рентгенологик, КТ ва МРТ расмий диагностик картасини ишлаб чиқиш;

УПБ суяк ва юмшоқ тўқималари тузилмалари параметрларининг нормадаги морфометрик рентгенологик, КТ ва МРТ кўрсаткичларини аниқлаш;

бел умуртқа стенозини келтириб чиқарувчи УБП суяк ва юмшоқ тўқималари тузилмалари патологик морфометрик рентгенологик, КТ ва МРТ кўрсаткичларини аниқлаш;

УПБ нормал ва патологик ўзгаришларини рентгенологик, КТ ва МРТ усуллари ёрдамидаги ўлчашнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш;

таклиф қилинган морфометрик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда бел умуртқа каналининг марказий ва латерал стенози оғирлик даражаси классификациясини ишлаб чиқиш;

бел умуртқа стенози оғирлик даражасини аниқлаш модели билан нур ташхислаш ёрдамидаги ўлчашнинг оптималлаштирилган вариантини татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бел умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари билан, канал ичи боғлов аппарати патологияси билан, марказий стенозга олиб келувчи канал ичи ўсмалари билан касалланган 950 нафар беморлар ва 125 нафар назорат гуруҳидаги шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб марказий стенозга олиб келувчи турли патологик ҳолатлардаги бел умуртқа поғонасининг радиологик (рентгенологик, МРТ ва КТ) текширувлар натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида: клиник, рентгенологик, КТ, МРТ усуллари ва кенг доирадаги статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бел умуртқа стенози оғирлик даражасини баҳолашнинг янги морфометрик стандартларини ҳисобга олган ҳолда соғлом шахслар ва УПБ патологияси билан беморлар диагностикаси радиологик (рентгенологик, КТ ва МРТ) расмий картаси такомиллаштирилган;

рентгенологик, КТ ва МРТ текширувлар ёрдамида бел умуртқалари танаси, умуртқалараро дисклар, умуртқа поғонаси канали ва умуртқалараро тешикнинг барча анатомик кўрсаткичларини ўлчашнинг оригинал усули ишлаб чиқилган ва морфометрик кўрсаткичларнинг нормал қийматлари аниқланган;

патологик ўзгарган (онкопатология ва дегенератив касалликлар) бел умуртқа поғонасининг кўндаланг кесими юзасини КТ ва МРТ усуллари ёрдамида ўлчаш усули ишлаб чиқилган ва стандарт морфометрик кўрсаткичлари билан таққослаб, унинг устунликлари аниқланган;

стандарт нур морфометрияси учун етишиб бўлмайдиган «кўр» зоналарнинг касаллик оғирлик даражасини баҳолашга қўшиш ҳисобига ўрганилаётган анатомик элементлар чегарасини кенгайтириш имконини берувчи марказий ва латерал стенозларда умуртқа поғонаси каналининг юмшоқ тўқимали чегараси, дурал қоп ва умуртқалараро тешиқни ўлчашнинг МРТ усули ишлаб чиқилган;

КТ ва МРТ усуллари ёрдамида олинган морфометрик кўрсаткичлар ва кўндаланг кесим юзаси ўлчовлари асосида бел умуртқа каналининг марказий ва латерал стенози оғирлик даражасининг классификацияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларни қайд этишнинг рентгенологик, КТ ва МРТ текширувларни ҳисобга олувчи такомиллаштирилган расмийлаштирилган картаси бел умуртқа стенози текширувлар диагностик комплекси ва даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини берган;

рентгенологик, КТ ва МРТ ёрдамида бел умуртқалари танаси, умуртқалараро дисклар, умуртқа поғонаси канали ва умуртқалараро тешиқнинг барча анатомик кўрсаткичларини ўлчашнинг ишлаб чиқилган усули нормада умуртқанинг топографик анатомияси маълумотларини тўлдириш имконини берган;

MRI Spine Volumetry махсус дастур ёрдамида компримирланган компонентнинг кўндаланг кесим юзасини ўлчаш йўли билан УПБ марказий ва латерал стенозини текширишнинг ишлаб чиқилган усули касаллик кечиши оғирлик даражаси верификациясининг самарасини ошириш имконини берган;

бел умуртқа стенозининг нур ташхиси оригинал усулининг татбиқ этилиши касаллик кечиши оғирлик даражалари бўйича кўндаланг кесимнинг норматив ва патологик морфометрик кўрсаткичларини классификациялаш имконини берган;

таклиф этилган усуллар шифокорларга қисқа муддатда бел умуртқа стенози оғирлик даражасини аниқ белгилаш, касаллик асоратларини минималлаштириш, реабилитация муддатларини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берувчи энг рационал диагностика усулини танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник, рентгенологик, КТ ва МРТ текширув усуллариининг маълумотлари билан асосланган. Тадқиқотда объектив клиник, нур ташхислаш ва статистик усуллари қўлланилган ҳолда методологик ёндашиш ҳаққонийликнинг юқори даражасини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўндаланг кесим юзасини ўлчаш усули ҳамда УПБ, умуртқалараро дисклар, умуртқа канали, ва умуртқалараро

тешикнинг барча анатомик ўлчамларини морфометрик баҳолашни нормал ва патологик мезонларини аниқлаш ҳисобига замонавий радиология, неврология, нейрохирургия ва онкологияга, хусусан, умуртқа поғонасининг турли дегенератив ўзгаришлари ва ҳажмли ҳосилаларида умуртқа канали патологияси диагностикасига сезиларли ҳисса қўшганлигидан иборат. Марказий ва латерал стенозларда умуртқа поғонаси каналининг юмшоқ тўқимали чегараси, дурап қоп ва умуртқаларо тешикни ўлчашнинг ишлаб чиқилган МРТ усули стандарт нур морфометриясига нисбатан ўрганилувчи анатомик элементлар чегарасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган диагностик алгоритм УПБ марказий ва латерал стенозлари диагностикаси самарадорлигини яхшилаши ва шу туфайли вертебрологияда даволаш усулини танлашни оптималлаштиришга ёрдам беришидан иборат. УПБ дегенератив касалликлари ва онкологиясида нур ташхис усулларининг қўлланиши ишлаб чиқилган морфометрик сифатий ва миқдорий кўрсаткичларга таяниб бел умуртқа канали марказий ва латерал стенозлари оғирлик даражасини классификациялаш ва касалликнинг оғирлиги ва тарқоқлиги тўғрисида янада тўлиқ маълумот имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бел умуртқа стенози билан беморлар диагностикаси сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ишлаб чиқилган «Умуртқа поғонаси бел соҳасида умуртқа каналини стенозловчи жараёнларнинг диагностика усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун (IAP 05108-сон) патенти олинган. Таклиф этилган усулнинг жорий этилиши бел умуртқалари танаси, умуртқаларо дисклар, умуртқа канали ва умуртқаларо тешик барча анатомик ўлчамларини батафсил аниқлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Бел умуртқаларо тешиги стенозининг диагностика усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун (IAP 05313-сон) патенти олинган. Таклиф этилган усулнинг жорий этилиши бел умуртқа стенозида нур ташхиси сезгирлигини 96% гача, спецификлигини 98% гача ва умумий аниқликни 97% гача ошириш имконини берган;

«Тиббий визуализациянинг замонавий усуллари» ўқув-методик қўлланмаси ва «Марказий нерв системаси ўсмаларини ташхислаш ва даволаш» клиник қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 сентябрдаги 8н-д/54-сон маълумотномаси). Натижада умуртқа канали стенози диагностикаси сифатини яхшилаш имконини берган;

умуртқа канали стенозининг диагностикаси сифатини яхшилаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Тошкент шаҳри диагностика маркази, Наманган шаҳрининг «Saydana» ОАЖ ҚК клиникаси ва Тошкент шаҳрининг «Fedorovich Klinikasi» ОАЖ ҚК клиникасига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 19 сентябрдаги 8н-д/54-сон маълумотномаси). Олинган натижалар бел умуртқа стенози

диагностикаси сифатини 56,5% дан 80,9% гача, эрта ташхислаш даражасини 15,5% дан 30,6% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15та илмий-амалий конгресс ва конференцияларда, шу жумладан бта халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 45та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 17 та мақола, улардан 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва ахамияти асосланади, объект ва предмет тавсифланади, тадқиқотларнинг республикадаги фан ва технологиянинг долзарб йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, илмий ва амалий ахамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган материал ва диссертация тизими ифодаланган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Бел умуртқа стенозининг турли вариантларида нур ташхислаш усулларини такомиллаштириш ва этиологиясининг замонавий жихатлари**" деб номланиб унда уч сарлавхадан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. Уларда бел ва умуртқа поғонаси стенозининг турли вариантлари тўғрисидаги адабиётларнинг кўп сонли маълумотлари таҳлил қилинган ва мавжуд нур ташхислаш усулларини ютуқ ва камчиликлари таърифланган. Адабиётлар шарҳида умуртқа поғонаси бел қисми стенозининг турли вариантлари тўғрисидаги адабиётларнинг кўп сонли маълумотлари таҳлил этилган ва унинг мавжуд нур ташхислаш усулларининг ютуқ ва камчиликлари ифодаланган. Адабиётлар шарҳида бел ва умуртқа поғонаси стенозининг айрим вариантларини аниқлаш ва ажратишда кўплаб ноаниқликлар мавжудлигига алоҳида урғу берилган. Нур ташхислашнинг замонавий юқори сезувчанликка эга аппаратуралар имкониятларидан фойдаланган ҳолда бел ва умуртқа поғонаси стенози диагностикасининг ҳозирда мавжуд нур ташхислаш усуллари ва мезонларини стандартлашдаги илмий тадқиқотларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинган. Ушбу боб таҳлил қилинган материал асосида ёзилган хулосалар билан тугалланган.

Диссертациянинг иккинчи боби "**Клиник материалларнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**" деб номланиб, унда беморлар умумий тавсифи ва ўтказилган тадқиқотлар услублари ҳақида маълумотлар кўрсатилган. Қўйилган мақсадга эришиш ва белгиланган масалаларни ечиш учун Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази, Тошкент шаҳридаги

«МДС-сервис», «Диасон» ва «Star Med Center» марказларининг нур ташхислаш бўлимларида 2008-2015 йиллар даврида рентгенологик, компьютер-томографик ва магнит-резонанс-томографик текширув усуллари ёрдамида 21-60 ёшдаги 1075 нафар шахслар (125 нафар назорат гуруҳидаги шахслар ва 950 нафар беморлар) тадқиқ қилинди. Текширилганларнинг ўртача ёши 41,6 ни ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Назорат гуруҳидаги шахслар ва беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Текширилган шахслар гуруҳи	жинси	Ёш гуруҳлари				Жаъми	
		21-30	31-40	41-50	51-60	Сони	%
Назорат гуруҳи	Аёл	11	28	14	4	57	45,6
	Эркак	15	28	18	7	68	54,4
	Жаъми	26	56	32	11	125	-
	%	20,8	44,8	25,6	8,8	-	100,0
Умуртқа поғонаси бел қисми умуртқа канали марказий стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив касалликлари (диск чурралари)	Аёл	100	121	107	71	399	42,0
	Эркак	92	117	99	63	371	39,0
Умуртқа поғонаси бел қисми умуртқа канали марказий стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисми канал ичи боғлов аппарати касалликлари	Аёл	5	13	17	8	43	4,5
	Эркак	3	13	22	9	47	5,0
Умуртқа поғонаси бел қисми марказий стенозига олиб келувчи канал ичи ўсмалари	Аёл	-	3	8	11	22	2,3
	Эркак	-	2	7	9	18	1,9
Умуртқа поғонаси бел қисмининг латерал стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисми касалликлари	Аёл	3	6	8	6	23	2,4
	Эркак	3	8	9	7	27	2,8
Жаъми беморлар	Аёл	108	143	140	96	487	51,3
	Эркак	98	140	137	88	463	48,7
	Жаъми	206	283	277	184	950	-
	%	21,7	29,8	29,2	19,3	-	100,0
Жаъми текширилган беморлар	Жаъми	232	339	309	195	1075	
	%	21,6	31,5	28,8	18,1		100,0

Бел ва умуртқа поғонаси стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив касалликлари ва ўсмалари комплекс нур ташхислаш усуллари ёрдамида ўрганилди. Патологиянинг этиопатогенези бўйича беморлар (950 нафар) тўрт гуруҳга бўлинди.

Умуртқа поғонаси бел қисми умуртқа канали марказий стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив касалликлари (диск чурралари) билан бўлган беморлар гуруҳига (770 нафар) диск чуррасининг диффуз ва локал формаси билан бўлган беморлар киритилган. Локал

формлар, ўз навбатида, дискнинг медианал; ўнг томонлама, чап томонлама ёки икки томонлама парамедиал; ўнг томонлама, чап томонлама ёки икки томонлама орқа ён диск чурраларига бўлинади.

Канал ичи боғлов аппарати касалликлари билан касалланганлар беморлар гуруҳига (90 нафар) орқа бўйлама ва сариқ боғламалар гипертрофияси ва оссификация билан бўлган беморлар киритилган. Канал ичи ўсмалари (40 нафар) билан бўлган беморлар гуруҳида умуртқа поғонаси бел қисми тузилмаларининг бирламчи безарар ва хавфли ўсмалар билан ёки метастатик шикастланиш билан бўлган ўсмалар кузатилган.

Умуртқа поғонаси бел қисмининг латерал стенози билан оғриган беморлар (50 нафар) гуруҳи умуртқа поғонаси сегменти тузилмаларининг ўнг томонлама ва чап томонлама умуртқааро каналининг “кириш зонаси” стенози, “чиқиш зонаси” стенози ёки “иккала зоналар стенозлари”ни келтириб чиқарувчи патологиялар билан оғриган беморлардан иборат бўлган. Умуртқа поғонаси бел қисми стенози билан эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ касалланган (51,3% ва 48,7%, мувофиқ). Беморлар касаллигининг давомийлиги 3 ойдан 15 йилгачани ташкил этган.

Бизнинг тадқиқотларга қадар умуртқа поғонаси бел қисми стенозининг оғирлик даражаси умуртқа каналининг ўрта сагиттал ўлчамининг торайишига қараб аниқланган (С.Н. Verbiest, 1954; А.И. Продан, 2003 и др.). Ушбу ўлчалар патологиянинг диффуз ва медианал жойланишида қўлланилади. Патологиянинг парамедианал ва орқа ён жойлашишида ўрта сагиттал ўлчам нормада ёки бироз торайган бўлиши мумкин, стеноз белгилари эса канал ичи патологиясининг ўлчамларига кўра клиник жихатдан турлича оғирликда кечади. Баъзи муаллифлар (Н.Сон ва А.Солодников, 2006 ва б.) КТ усули билан умуртқа поғонаси бел қисми канали стенозининг оғирлик даражасини умуртқа поғонаси канали ичида шартли равишда чизилган учбурчак юзасининг камайишига қараб аниқлашган, бунда канал ичида чизилган учбурчакдан ташқарида ҳисобга олинмаган бўшлиқ қолади, демак, бу усул ҳам канал юзасини тўлиқ қамраб олмайди ва умуртқа поғонаси бел қисми стенозининг оғирлик даражасини тўлақонли акс эттирмайди.

Умуртқа поғонаси бел қисми стенозига олиб келувчи канал ичи патологиялари таххислашининг техник ечимини такомиллаштириш учун биз стенознинг оғирлик даражасини бошқа усул билан, яъни MRI Spine Volumetry махсус дастурида канал ичининг текширилувчи тузилмаларининг бутун юзасини қамраб олган холда умуртқа канали, дурал халта ва умуртқа каналининг компримирланган компонентининг юмшоқ тўқимаси контурининг кўндаланг кесими юзасини ҳисоблаш йўли билан аниқладик. Бел қисми патологияси бўлмаса умуртқа канали юмшоқ тўқимаси контури кўндаланг кесимининг юзаси $250 - 290 \text{ мм}^2$ ва дурал халта $160-190 \text{ мм}^2$ (ўртача катталик - $184,5 \pm 6,0 \text{ мм}^2$) бўлганда умуртқа поғонаси бел қисми канали кўндаланг кесимининг юзаси нормада деб ҳисобланган. Умуртқа поғонаси бел қисми канали юмшоқ тўқималари контури ва дурал халта юзасининг 25 фоизгача торайиши енгил даражадаги стеноз ёки умуртқа

поғонаси бел қисмининг компенсирланган марказий стенози ҳисобланган. Уларни 26% дан 50% гача торайиши ўрта оғирликдаги ёки субкомпенсирланган стеноз ҳисобланган. Уларни торайишт 50% дан ошганда оғир даражадаги стеноз ёки умуртқа поғонаси бел қисми каналининг декомпенсирланган марказий стенози ҳисобланган. Кейинчалик, MRI Spine Volumetry махсус дастурида уларнинг параметрларини ўлчаган холда латерал рецессус кенглиги (нормада - 4,8-5,6 мм), умуртқа поғонаси парчаси қийғининг олдинги орқа ўлчами (нормада - 8,2-9,7 мм²) ва умуртқа тешигининг “кириш зонаси” ва “чиқиш зонаси”нинг кўндаланг кесими майдонини (нормада 106,3-127,6 мм²) аниқлаш йўли билан бел умуртқалараро канали параметрларининг нормал ўлчамлари киритилди. Нормал ўлчамларга қараганда латерал рецессус каналининг, умуртқа пастки қийғининг олдинги орқа ўлчами ва умуртқааро тешик майдонининг 25% гача камайиши енгил даражадаги стеноз ёки компенсирланган латерал стеноз ҳисобланган. Юқорида кўрсатиб ўтилган параметрларнинг 26% дан 50% гача камайиши ўрта даража оғирликдаги стеноз ёки субкомпенсирланган латерал стеноз ҳисобланган. Юқоридаги параметрларининг 50%дан ортиқ камайиши оғир даражадаги стеноз ёки декомпенсирланган латерал стеноз ҳисобланган. Шу билан бирга, турли оғирликдаги латерал стенозларда орқа мия Нажжот илдизчаси майдони ўз ўлчамини ўзгартирмайди.

Биз нур тадқиқотлари натижаларини стандартлаш учун патологиясиз (назорат гуруҳи) ва умуртқа поғонаси бел қисмининг касалликлари билан бўлган беморларни рўйхатга олиш учун нур ташхислаш рентгенологик, КТ ва МРТ расмий карталари туздик ҳамда амалиётга тадбиқ этдик. Бешта бел умуртқасидаги нормал ва патологик суяк ва юмшоқ тўқимали тузилмаларнинг барча параметрлари қайд қилинди. Рентгенологик усул ёрдамида нормал бел умуртқаси билан 15 та мезон бўйича (2250 ўлчовлар) 30 нафар беморда ва 8 та мезон бўйича (1200 ўлчов) 30 нафар бемордо, КТ усули ёрдамида нормал бел умуртқаси билан 18 та мезон бўйича (3150 ўлчов) 35 нафар беморда ва 12 та мезон бўйича (2400 ўлчов) 40 нафар беморда, МРТ усули ёрдамида нормал бел умуртқаси билан 22 та мезон бўйича (6600 ўлчов) 60 нафар беморда ва 15 та мезон (52500 ўлчов) бўйича 880 нафар беморда умуртқа поғонаси бел қисми стенозига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив ва бошқа касалликлари қайд қилинди.

Олинган натижаларга ишлов бериш ўрта арифметик (M) ва ўрта квадрат оғиш хатосини (m) қўллаган холда таққосланувчи кўрсаткичлар фарқи ҳаққонийлигининг t –мезонини аниқлаш йўли билан Стьюдент-Фишер бўйича вариацион статистика усули ёрдамида ўтказилган. Ҳисоблар «YGANO-DC-9500B» микрокалькуляторда ва «Microsoft Windows 7» оператив тизимли персонал компьютер дастурлари бўйича олиб борилган. Фарқ эҳтимоли $P < 0,05$ бўлган маълумотлар ҳаққоний ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи боби "**Умуртқа поғонасининг бел қисмида нормал анатомик параметрларини нур текшируви кўрсаткичлари**" деб номланиб, унда бел умуртқаси патологияси бўлмаган 125 нафар беморларда

умуртқа поғонаси бел қисмининг нормал анатомик параметрларини рентгенологик, КТ ва МРТ текшириш усуллари натижалари тақдим этилган.

Рентгенологик, КТ ва МРТ усулларининг имкониятларидан фойдаланган холда умуртқа поғонаси бел қисмида умуртқалар танаси ва умуртқалараро диск ўртасининг нормал вертикал ва горизонтал ўлчамларининг тўғри ва ён проекцияларда, умуртқа поғонаси каналининг суяк контурининг ўрта сагиттал ва фронтал ўлчамларининг аксонал проекцияда, умуртқа танаси ва умуртқалараро дискнинг вертикал ўлчамларини ўнг ва чап контурлари бўйича тўғри проекцияда; вертикал ва дорзал контурлар бўйича ён проекцияда; умуртқалар танаси горизонтал ўлчамининг тўғри ва ён проекцияларда юқори ва пастки контурлар бўйича ўлчанди. КТ ва МРТ усуллари ёрдамида кўшимча илдизча тешигининг олдинги-орқа (медиал ва латерал) ўлчамларини ўнг ва чап томондан аксиал проекцияда аниқладик.

Нормада L1 дан L5 гача бел умуртқаси вертикал ўлчамининг ўнг ва чап контурлар бўйича тўғри проекцияда, вентрал ва дорзал контурлар бўйича ён проекцияда, умуртқа таналарининг горизонтал ўлчамлари юқори ва пастки контурлари бўйича фронтал ва ўрта сагиттал проекцияларда рентгенологик, КТ ва МРТ ўлчамлари унча фарқ қилмайди ($P < 0.8$). Умуртқа танасининг вертикал ўлчами вентрал томондан дорзал томонга қараганда ҳаққоний фарқ билан узайган ($P < 0.05$). Умуртқа таналари пастки контури юқориги контурига қараганда кенроқ. Аксиал проекцияда ҳар бир кейинги умуртқа олдингисига қараганда йирикроқ. Кейинги умуртқалар таналарининг ўрта сагиттал ўлчами (ЎСЎ) ва фронтал ўлчами (ФЎ): $L1 < L3$; $L1 < L4$; $L1 < L5$; $L2 < L4$; $L2 < L5$; $L3 < L5$ нисбати ҳаққоний фарқ ($P < 0.05$) билан кенгайган. Кўшни умуртқалар ва умуртқалар танасининг ЎСЎ ва ФЎ кенгайиши ҳаққоний эмас ($P < 0.8$ ёки $P < 0.2$).


Ҳар бир кейинги келувчи умуртқалараро дискнинг (УАД) вертикал ўлчами тўғри ва ён проекцияда юқори даражадаги фарқ билан L1-L2 УАД га қараганда қалинроқ ($P < 0,01$) (1-расм). УАД нинг вентрал қисми дорзал қисмига қараганда қалинроқ ($P < 0,05$), шу сабабдан физиологик лордоз ҳосил бўлади. Бел умуртқа канали (БУК) суяк чегараси ЎСЎ ва ФЎ L1 ва L3; L1 ва L4; L1 ва L5; L2 ва L4; L2 ва L5; L3 ва L5 умуртқалари орасида ҳаққоний кенгайган ($P < 0,05$ ёки $P < 0,01$). Ён томонда жойлашган умуртқаларнинг бел умуртқа канали (L1 ва L2; L2 ва L3; L3 ва L4; L4 ва L5) кенгайиши нисбатан ҳаққоний эмас ($P < 0,8$ дан $P < 0,2$ гача).

“Кириш зонаси” ва “чиқиш зонаси”да ўнг ва чап умуртқалараро тешикнинг олдинги орқа ўлчами биринчидан бешинчи бел умуртқасигача ўзининг ўлчамларини деярли ўзгартирмайди ва таққослаганда мутлоқ ҳаққоний эмас ($P > 0,8$ ёки $P < 0,8$).

Юқорида баён этилганлардан ташқари МРТ усули ёрдамида яна умуртқа канали, дурал халта, орқа миянинг терминал қисми суяк ва юмшоқ тўқималарининг ўрта сагиттал ўлчами ва фронтал ўлчамларини; умуртқа канали, дурал халта, орқа миянинг терминал қисми, умуртқааро тешик, Нажжот илдизчасининг суяк ва юмшоқ тўқимали контурининг кўндаланг

кесими майдони MRI Spine Volumetry махсус дастурида уларнинг периметрларини ўлчаш йўли билан аниқланди. Ўлчовлар ҳамма беш бел умуртқаларида ўтказилди (2-жадвал).

Умуртқа канали юмшоқ тўқималари чегарасининг ЎСЎ ва ФЎ ҳаққоний фарқ ($P < 0,05$) билан дурал халта ўлчамларига қараганда кенгроқ. L1 даражасидаги майдонга қараганда L5 даражасида БУК суяк контурининг кўндаланг кесими майдони 3,6% га, юмшоқ тўқималар контурининг кўндаланг кесими майдони 14% га ва дурал халта кўндаланг кесими майдони 14,9% га кўпроқ.



1-расм. Вентрал (1) ва дорзал (2) контурлар бўйича бел умуртқалараро дисklarнинг вертикал ўлчамлари ҳамда фронтал(1) ва сагиттал (2) проекцияларида бел умуртқа каналининг горизонтал ўлчамларини нормал рентгенологик, КТ ва МРТ ўлчамлари. Ўлчамлар таққосланганда мутлоқ ҳаққоний бўлмади ($P > 0,8$ ёки $P < 0,8$).

Биз умуртқа-диск коэффицентини ва Джонсон-Томпсон канал-корпорал индексини ҳам аниқладик. Ўлчовларни барча бешта бел умуртқаларида ўтказдик. Бизнинг кузатувларимизда умуртқа поғонаси бел қисмининг (УПБҚ) нормал умуртқа-диск коэффицентини Европа тадқиқотчиларининг натижаларига қараганда анча ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги аниқланди. Бизда Европа маълумотларидан (норма: 4,0:1 ва 5,0:1) фарқли равишда нормал коэффицент 2,34:1дан 3,02:1гача, 3,02:1дан юқори бел қисми УАД нинг шикастланганлигини кўрсатди. Бундай паст коэффицент, бизнингча, беморларимизнинг бўйи унча баланд бўлмаганлиги

билан боғлиқдир – текширилганларнинг ўртача бўйи 166 ± 6 см эркаларда, 158 ± 5 см аёлларда. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, канал-корпорал индекс фақат бўйин умуртқалари учун аниқланган, уларда кўрсатилишича нормада 1,0 дан ошиқ, лекин қанча ошиқлиги келтирилмаган.

Адабиётлар шарҳида УПБҚ учун канал-корпорал индекс умумлаштирилган тарзда келтирилган, яъни биз адабиётлар шарҳида канал-корпорал индексини ҳисоблаш натижалари бўйича БУК стенозининг оғирлик даражасининг таърифини аниқлай олмадик. Бизнинг маълумотларга кўра бешта бел умуртқаларининг Джонсон-Томпсон индекси 0,40 ва 0,25 орасида жойлашган, БУК стенози 0,25 дан кам ёки 1:2,5 орасида ва 1:4,0 норма, 1:4,0 дан ошиши БУК стенози ҳисобланди.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, нормал умуртқа поғонаси инсон организмнинг мураккаб бўлимларидан бири ҳисобланиб, ҳар бири мураккаб вазифани бажарувчи кўпгина умуртқа ҳаракат сегментлари йиғиндисидир. КТ ва МРТ юқори технологияли усуллари ҳисобланиб, вертебрологияда умуртқа поғонаси бел қисмининг суяк ва юмшоқ тўқималарининг нормал тасвирларини олишда революцион тадқиқот бўлди, обзорли рентгенография эса ориентирли усул ҳисобланади, чунки канал ичи юмшоқ тўқималарининг нормал ҳолатини аниқлай олмайди. Умуртқа поғонаси бел қисми параметрларининг нормал нур ташхислаши ўлчамлари бўйича вертебрологнинг чуқур билими умуртқа поғонаси бел қисми стенозини ташхислаши ва давосини такомиллаштиришга имкон беради.

Тўртинчи боб “**Умуртқа поғонаси бел қисми стенозининг нур ташхислаши**” номланиб, тўрт сарлавҳа билан тақдим этилган. Уларда умуртқа поғонаси бел қисми марказий стенозининг турли патологик ҳолатларда нур ташхислаши натижалари ёритиб ўтилган.

Нур ташхислаш бўлимларида 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари билан 30 нафар бемор рентгенологик усулда, 40 нафар бемор КТ усули ёрдамида ва 700 нафар бемор МРТ усули ёрдамида текширилди. Патологик жараёнга қаудал йўналишда ортиб борувчи L3, L4 ва L5 умуртқалари шикастланишлари кўпроқ учраган.

Бел умуртқасининг дегенератив майдонини рентгенологик усулда текширилганда БУК нинг марказий стенозга олиб келувчи қуйидаги патологик жараёнлар аниқланди: гиперлордоз ёки лордознинг текисланиш кўринишидаги статиканинг бузилиши, УАД нинг вертикал ўлчамини қисқариши, унинг оҳакланувчи қисмининг умуртқа поғонаси каналига осилиб қолиши билан ва четки суякли ўсиқлар (остеофитлар). Умуртқа поғонасининг дегенератив шикастланишларининг санаб ўтилган белгилари умуртқа поғонаси канали бўшлиғига ўтиб, умуртқа поғонаси каналининг турли даражадаги марказий стенозини келтириб чиқарган. Шунингдек, Джонсон-Томпсон канал-корпоратив индексининг нормадан оғиши кузатилган. Умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив участкаларида Джонсон-Томпсон канал-корпоратив индекси (нормада индекс ўлчамлари

0,25 дан катта ёки 1:4,0 дан кичик) $L_3=0,21(1:4,8)$, $L_4=0,16(1:6,3)$ ва $L_5=0,17(1:5,9)$ даражасида бўлди, булар умуртқа поғонаси бел қисми каналининг марказий стенози борлигидан дарак беради.

Рентгенологик усулда аниқланган БУК ичининг умуртқалар таналари остеофитлари ва УАД нинг оҳакланган тоғай тўқима билан сиқилиши БУК марказий стенозини келтириб чиқарувчи омилларнинг тўлиқ кўринишлари ҳисобланмайди. Канал ичи юмшоқ тўқимали тузилмаларининг зарарланиши билан намоён бўлувчи БУК стенозини аниқлашда рентгенологик усулнинг имкониятлари нолга тенг. Бел умуртқа стенози турли сабабларини аниқлаш бўйича рентгенологик усулнинг информативлиги МСКТ билан КТ ва МРТ усулларига қараганда камроқ.

КТ нафақат суяк тўқимасининг минимал ўзгаришларини, балки илдизчани деформацияланган бекилмаган ёйлар рудиментлари томонидан эъзилиб қолишини, УАД нинг бошланғич ўзгаришларини, дискнинг осилиб қолиш ўлчамларини, секвестрлар ўлчамлари ва миграциясини, уларнинг “ёши”ни, “масс-эффекти”ни, эпидурал фиброзни ва бошқаларни аниқлайди, яъни умуртқа сегментининг суяк ва юмшоқ тўқимали тузилмалари шикастланиши натижасида келиб чиқадиган умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари, жумладан, УПБҚ стенозининг аниқроқ холатини кўрсатади.

Умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари натижасида келиб чиқадиган БУК нинг марказий стенозини аниқлашда КТ усулининг қўлланилиши натижасида 40 нафар беморда УПБҚ нинг куйидаги патологиялари аниқланди: умуртқа поғонасининг зарарланган участкаларида (L_3 , L_4 , L_5) умуртқа таналарининг аксиал проекцияда ўрта сагиттал ва фронтал ўлчамлари ҳосил бўлган остеофитлар ($L_1=+2,9\%$ ва $+1,1\%$; $L_2=+6,3\%$ ва $+3,8\%$; $L_3=+12,6\%$ ва $+8,1\%$; $L_4=+22,2\%$ ва $+19,7\%$; $L_5=+24,7\%$ ва $+21,1\%$, мувофиқ) ҳисобига ҳаққоний узайган ($P<0,05$ дан $P<0,001$ гача). Умуртқааро дискнинг вертикал ўлчами ўнг, чап, вентрал ва дорзал контурлари бўйича тўғри ва ён проекцияларда умуртқа поғонасининг шикастланган участкаларида ($L_1-L_2=-5,1\%$, $-5,0\%$, $-6,9\%$ ва $-8,7\%$; $L_2-L_3=-12,7\%$, $-10,7\%$, $-11,9\%$ ва $-11,5\%$; $L_3-L_4=-20,9\%$, $-21,3\%$, $-21,5\%$ ва $-24,8\%$; $L_4-L_5=-39,1\%$, $-37,6\%$, $-36,8\%$ ва $-38,9\%$; $L_5-S_1=-43,5\%$, $-42,1\%$, $-39,8\%$ ва $-44,7\%$, мувофиқ) ҳаққоний қисқарган ($P<0,05$ дан $P<0,001$ гача). УПБҚ нинг дегенератив-дистрофик касалликларида умуртқа танасига қараганда УАД нинг кўпроқ шикастланиши кузатилади, шу билан бирга умуртқа таналаридан фарқли равишда УАД патологик ўзгаришларга бутун умуртқа поғонаси бел қисми бўйлаб (L_1 дан L_5 гача) кузатилади, бунда патология кранио-каудал йўналиши бўйича ўсиб боради. Умуртқа поғонасининг шикастланган участкаларида (L_3 , L_4 , L_5) умуртқа каналининг ўрта сагиттал ва фронтал ўлчамлари ҳаққоний ($P<0,05$ дан $P<0,001$ гача) торайган ($L_1=+0,8\%$ ва $-0,4\%$; $L_2=-2,4\%$ ва $-4,3\%$; $L_3=-14,2\%$ ва $-7,1\%$; $L_4=-24,0\%$ ва $-9,8\%$; $L_5=-31,4\%$ ва $-11,1\%$, мувофиқ).

Умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив-дистрофик шикастланиши натижасида келиб чиқарувчи умуртқааро диск чуррасининг

(УАДЧ) КТ белгилари тахлили шуни кўрсатадики, 61,9% беморларда диск чурраси 1 тадан ва 38,1% холатда кўп сонлик бўлди, шу билан бирга 12,5% беморда 8 ва ундан ортиқ умуртқа сегментларида чурралар мавжудлиги кузатилди. УАДЧ кўпроқ L4-L5 (44,8%) даражасида ва L5-S1 (35,4%) даражасида кузатилди, умуртқа поғонаси бел қисмининг қолган бўлимларида УАД чурраси атиги 19,8% беморларда кузатилди. УАДЧ аксариятининг баландлиги 4 ммдан 9 ммгачани ташкил этди, шу билан бирга диск чурраларининг ўлчамлари кранио-каудал йўналиш бўйлаб ўсиб борди. Масс-эффekt 70,8% холатда аниқланди. Секвестр текширилган беморларнинг 5,7%да учради. Эпидурал фиброз УАД чурраси билан текширилган беморларнинг деярли учдан бир қисмида (34%) учради. Шунингдек, умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив жараёнларининг бошқа КТ белгилари ҳам аниқланди: “вакуум феномени”, диск кальцификацияси, умуртқа каналининг чекка спондилофитлари томонидан торайиши ва бўғим ўсимталарининг гипертрофияси.

Бироқ, канал ичи юмшоқ тўқимали тузилмалари, жумладан, умуртқа поғонаси бел қисми стенозини (УПБҚС) келтириб чиқарувчи диск протрузияси ва чуррасининг компьютер томографияси усули ёрдамидаги визуализация даражасидан магнит-резонанс томографик усули анча устун туради.

МРТ усули натижаларига кўра умуртқа поғонаси бел қисми дегенератив-дистрофик шикастланишларининг куйидаги кўшимча белгилари аниқланди: пульпоз ядронинг диск ичи силжиши, сўнг фиброз ҳалқа контурининг ўзгариши ва пульпоз ядронинг умуртқа канали томонга силжиши билан таърифланувчи диск протрузияси ҳосил бўлади. Сўнг фиброз ҳалқада узилишлар кузатилади, ушбу узилган участкалардан пульпоз ядро умуртқа канали бўшлиғига тушади ҳамда диск чуррасини ҳосил қилади ва дурал халта ичини компримирлайди.

Диск протрузияси ва чурраси билан бўлган 700 нафар беморлар МРТ усулида текширилди. Диск чурраси энг кўп 31-40 ёшлиларда (30,6%) кузатилди, сўнг шикастланиш куйидаги ёш гуруҳларида кузатилди - 41-50 ёшлиларда (26,6%), 21-30 ёшлиларда (25,4%) ва 51-60 ёшлиларда (17,4%). L1-L2 даражасидаги диск чурраси 27 (3,9%) нафар беморда, L2-L3 даражасида 62 (8,8%) нафар беморда, L3-L4 даражасида 119 (17,0%) нафар, L4-L5 даражасида 272 (38,9%) нафар ва L5-S1 даражасида 220 (31,4%) нафар беморларда қайд қилинди. Кранио-каудал йўналишида УАДЧ нинг сони сезиларли ўсиб борди ва улар кўпроқ L4-L5 ва L5-S1 даражасида аниқланди.

Умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив шикастланишлари (диск чурраси) билан оғриган беморларда БУК марказий стенозини аниқлаш учун куйидаги мезонлар ажратилди (2-жадвал): бешта бел умуртқасида умуртқа канали ва дурал халтанинг суяк ва юмшоқ тўқимали чегарасининг ўрта сагиттал ўлчами, умуртқалар танасининг аксиал проекцияда ЎСЎ ва ФЎ, УАД нинг тўғри проекцияда вертикал ўлчами, умуртқа канали, дурал халтанинг суяк ва юмшоқ тўқимали чегараси кўндаланг кесими майдони, умуртқа - диск коэффициенти ва Джонсон-Томпсон канал - корпорал

индекси. Улар УПБҚ нинг нормал параметрлари билан таққосланди. Умуртқа поғонасининг дегенератив касалликлари билан оғриган беморларда (L2, L3, L4, L5) кранио-каудал йўналишида таққослаш натижалари ўсиб борган ва нормал ўлчамларга караганда ҳаққоний силжишларга ($P < 0.05$ дан $P < 0.001$ гача) эга.

2-жадвал.

Бел умуртқаси сегменти параметрларининг нормал ва патологик МРТ катталиклари абсолют ўлчамларда (мм да), нормадан оғиш фоизларда ва уларнинг фарқ даражалари (P)

	Параметрлар	Умуртқа даражаси				
		L1	L2	L3	L4	L5
1.	Бел умуртқа канали суяк чегарасининг ўрта сагиттал ўлчами	<u>18,01±0,38</u> 17,43±0,73 -2,1% $P < 0,5$	<u>18,19±0,49</u> 15,86±0,81 -12,2% $P < 0,05$	<u>18,83±0,46</u> 14,18±0,69 -24,7% $P < 0,01$	<u>19,04±0,51</u> 13,15±0,88 -30,9% $P < 0,001$	<u>20,39±0,41</u> 12,18±0,94 -40,2% $P < 0,001$
2.	Бел умуртқа канали юмшоқ тўқимали чегарасининг ўрта сагиттал ўлчами	<u>13,88±0,39</u> 13,49±0,47 -2,8% $P < 0,5$	<u>14,17±0,38</u> 13,98±0,45 -2,3% $P < 0,05$	<u>14,61±0,36</u> 13,35±0,39 -8,6% $P < 0,05$	<u>14,97±0,47</u> 13,18±0,54 -12,0% $P < 0,05$	<u>15,53±0,51</u> 13,01±0,58 -18,2% $P < 0,01$
3.	Дурал қопчанинг ўрта сагиттал ўлчами	<u>11,91 ±0,21</u> 10,38±0,46 -12,8% $P < 0,05$	<u>12,04±0,23</u> 10,05±0,57 -16,5% $P < 0,01$	<u>11,65±0,28</u> 8,45±0,64 -27,5% $P < 0,001$	<u>11,92±0,26</u> 7,63±0,58 -36,0% $P < 0,001$	<u>12,26±0,30</u> 7,07±0,73 -42,3% $P < 0,001$
4.	Аксиал проекцияда умуртқа танасининг ўрта сагиттал ўлчами	<u>29,47±0,35</u> 29,78±1,12 +1,1% $P > 0,8$	<u>30,88±0,34</u> 32,65±0,98+ +5,7% $P < 0,05$	<u>31,55±0,44</u> 34,88±0,91 +10,5% $P < 0,05$	<u>32,33±0,44</u> 38,96±1,12 +20,5% $P < 0,01$	<u>32,65±0,50</u> 39,15±1,06 +19,9% $P < 0,01$
5.	Аксиал проекцияда умуртқа танасининг фронтал ўлчами	<u>39,75±0,56</u> 40,18±1,19 +1,1% $P > 0,8$	<u>42,28±0,58</u> 43,93±1,46 +3,9% $P < 0,1$	<u>44,20±0,55</u> 48,19±1,51 +9,0% $P < 0,05$	<u>45,78±0,55</u> 53,94 ±1,39 +17,8% $P < 0,01$	<u>46,70±0,57</u> 57,56 ±1,61 +23,3% $P < 0,01$
6.	Тўғри проекцияда умуртқааро дискнинг вертикал ўлчами	<u>7,83±0,18</u> 7,41±0,62 -5,4% $P < 0,05$	<u>9,30±0,21</u> 7,16±0,56 -23,0% $P < 0,001$	<u>10,53±0,23</u> 6,41±0,49 -39,1% $P < 0,001$	<u>11,05±0,21</u> 6,19±0,63 -44,0% $P < 0,001$	<u>10,75±0,29</u> 6,04±0,74 -43,8% $P < 0,001$
7.	Умуртқа поғонаси канали суяк чегарасининг кўндаланг кесими майдони, мм ² да	<u>374,7±8,6</u> 372,2± 7,8 -1,3% $P < 0,8$	<u>378,5 ±9,1</u> 361,0± 9,4 -10,0% $P < 0,05$	<u>379,6±8,5</u> 295,7±7,6 -20,1% $P < 0,01$	<u>381,4±9,1</u> 306,8± 6,5 -19,0% $P < 0,01$	<u>388,1±8,1</u> 305,4 ±6,1 -20,6% $P < 0,01$
8.	Умуртқа поғонаси канали юмшоқ тўқимали чегараси кўндаланг кесими майдони, мм ² да	<u>270,4±7,9</u> 262,3± 8,4 -3,0% $P < 0,5$	<u>274,3 ±8,0</u> 252,7± 8,9 -7,9% $P < 0,05$	<u>288,3±7,8</u> 235,5±8,5 -18,3% $P < 0,01$	<u>295,9±9,0</u> 238,2± 9,8 -19,5% $P < 0,01$	<u>305,4±8,4</u> 230,0 ±9,3 -24,7% $P < 0,001$
9.	Дурал қопча кўндаланг кесими майдони, мм ² да	<u>172,2±6,1</u> 166,9±5,8 -3,1% $P < 0,05$	<u>179,8±5,8</u> 143,0±5,4 -10,5% $P < 0,05$	<u>185,3±5,9</u> 127,9± 5,1 -11,0% $P < 0,05$	<u>189,1 ±6,0</u> 120,6 ±4,8 -14,2% $P < 0,01$	<u>196,4±6,2</u> 119,8± 4,3 -16,0% $P < 0,01$
10.	Умуртқа -диск коэффицентлари	<u>3,02:1</u> 3,18:1 +5,3% $P < 0,05$	<u>2,66: 1</u> 3,45: 1 +29,7% $P < 0,001$	<u>2,39: 1</u> 3,91: 1 +63,6% $P < 0,001$	<u>2,34: 1</u> 4,17: 1 +78,2% $P < 0,001$	<u>2,49: 1</u> 4,40 :1 +76,7% $P < 0,001$
11.	Джонсон-Томпсон канал-корпорал индекси	<u>0,36</u> 0,34 -5,6% $< 0,05$	<u>0,35</u> 0,29 -17,1% $P < 0,01$	<u>0,36</u> 0,24 -33,3% $P < 0,001$	<u>0,35</u> 0,20 -42,9% $P < 0,001$	<u>0,37</u> 0,18 -51,4% $P < 0,001$

Текширилган шахслар орасида БУК умурткааро диски чурраларининг тўрт хил варианты (диффуз, медианал, парамедианал ва орқа ён вариантлари) аниқланди. Умумий текширилган шахслардан 95 нафарида (13,6%) диффузварианти, 236 нафарида (33,7%) медианал варианты, 216 нафарида (30,9%) парамедианал варианты ва 153 нафарида (21,8%) орқа ён варианты кузатилди. Парамедианал ва орқа ён вариантларида УАДЧ умуртка поғонаси каналининг чап томонида каналнинг ўнг томонига қараганда (39,4% ва 38,6%, мувофиқ) кўпроқ (60,6% ва 61,4%, мувофиқ) қайд қилинди. Бунда бел умуртка каналида УАДЧ нинг бир даражали варианты 389 нафар (55,6%) беморда, икки даражали варианты 223 нафар (31,8%), уч даражали варианты 65 нафар (9,3%); тўрт даражали варианты 18 (2,6%) ва беш даражали варианты 5 нафар (0,7%) беморларда аниқланди.

Шундан сўнг биз таклиф этган усул ёрдамида MRI Spine Volumetry махсус дастурида УАД баландлиги ва кенглигини, дурал халта ва компримирланган компонент майдонини ўлчаш йўли билан УПБҚ нинг дегенератив-дистрофик касалликлари билан оғриган беморларда БУК марказий стенозининг оғирлик даражаси белгиланди.

Диффуз вариантда диск протрузиясининг баландлиги 3 ммгача бўлганда, унинг асосини кенглиги $14,03 \pm 0,42$ мм, компримирланган компонентнинг майдони $47,6 \pm 1,0$ мм² га тенг бўлди. Уни дурал халта нормал майдони ($184,5 \pm 6,0$ мм²) билан таққосланганда компрессия дурал халтанинг 25,8% майдонини қамраб олди ва УПБҚ марказий стенози ўрта оғир даражада бўлди. Диск чурраси баландлиги 4-6 мм, асоси баландлиги $15,41 \pm 0,48$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $88,4 \pm 1,2$ мм² га тенг бўлди, компрессия 47,9% майдонини қамраб олди ва БУК марказий стенози ўрта оғир даражада бўлди. Диск чурраси баландлиги 7-9 мм, асос кенглиги $17,30 \pm 0,56$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $120,0 \pm 2,8$ мм² ни ташкил қилди, компрессия 65,0% майдонни қамраб олди ва БУК марказий стенози оғир даражада бўлди. Медианал вариантда диск протрузияси баландлиги 3 ммгача, асос кенглиги $8,46 \pm 0,34$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $28,8 \pm 0,9$ мм² ни ташкил қилди, компрессия майдонининг 15,6% ни қамраб олди ва БУК умуртка канали марказий стенози енгил даражада бўлди. Диск чурраси ўлчамининг 4-6 мм, асос кенглиги $9,45 \pm 0,38$ мм бўлганда компримирланган компонентнинг майдони $63,9 \pm 1,9$ мм² ни ташкил қилди, компрессия 34,6% майдонни қамраб олди ва БУК марказий стенози ўрта оғирликда бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 7-9 мм, асоси кенглиги $9,21 \pm 0,33$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $85,7 \pm 2,3$ мм² бўлди, компрессия 46,4% майдонни қамраб олди ва БУК марказий стенози ўрта оғирликда бўлди. Парамедианал вариантда диск протрузиясининг баландлиги 3 ммгача, асосининг кенглиги $7,85 \pm 0,34$ мм бўлганда компримирланган компонентнинг майдони $26,4 \pm 1,9$ мм² бўлди, компрессия 14,3% майдонини қамраб олди ва БУК нинг марказий стенози енгил даражада бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 4-6 мм, асосининг кенглиги $8,10 \pm 0,41$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $53,7 \pm 1,8$ мм² бўлди, компрессия майдонининг 29,1% ни эгаллади ва БУК марказий стенози ўрта оғирликда

бўлди. Диск чурраси ўлчами 7-9 мм, асосининг кенглиги $8,35 \pm 0,38$ мм бўлганда, компримирланган компонентнинг майдони $72,8 \pm 2,4$ мм² бўлди, компрессия 39,5% майдонини эгаллади ва БУК нинг марказий стенози ўрта оғирликда бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 10-12 мм, асосининг кенглиги $13,81 \pm 0,35$ мм бўлганда, компримирланган компонентнинг майдони $128,4 \pm 2,9$ мм² ни ташкил этди, компрессия 69,6% майдонни эгаллади ва БУК нинг марказий стенози оғир даражада бўлди. Орқа ён вариантда протрузиянинг баландлиги 3мм гача, асосининг кенглиги $9,12 \pm 0,41$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $32,4 \pm 1,4$ мм² ни ташкил қилди, компрессия 17,6% майдонни эгаллади ва БУК нинг марказий стенози енгил даражада бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 4-6 мм, асосининг кенглиги $10,17 \pm 0,43$ мм бўлганда, компримирланган компонент майдони $63,6 \pm 1,9$ мм² бўлди, компрессия 34,5% майдонни эгаллади ва БУК нинг марказий стенози ўрта оғирликда бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 7-9 мм, асосининг кенглиги $10,85 \pm 0,39$ мм бўлганда, компримирланган компонентнинг майдони $99,2 \pm 2,3$ мм² бўлди, компрессия 53,8% майдонни эгаллади ва БУК нинг марказий стенози оғир даражада бўлди. Диск чуррасининг ўлчами 10-12 мм, асосининг кенглиги $12,89 \pm 0,47$ мм бўлганда, компримирланган компонентнинг майдони $124,2 \pm 3,1$ мм² ни ташкил этди, компрессия 67,3% майдонни эгаллади ва БУК нинг марказий стенози оғир даражада бўлди.

Канал ичи юмшоқ тўқимали тузилмаларининг дегенератив-дистрофик шикастланиши натижасида келиб чиқадиган марказий стенознинг компонентларини аниқлашда рентгенологик усулнинг ўрни унча катта эмас. Клиник амалиётга МСКТ билан КТ ва МРТ усулларининг тадбиқ этилиши БУК марказий стенозини ташхислашда ва баҳолашда “олтин стандарт” бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуртқа поғонаси бел қисми стенози ташхисида нур текширувининг информативлиги куйидагича тақсимланди : “сезувчанлик”, “спецификлик” ва “аниқлик” рентгенологик усулда 41%, 51% ва 49% белгиланди, КТ да 81%, 91% ва 87%, ва МРТ да 96%, 98% ва 97% ни ташкил қилди. Яъни энг юқори кўрсаткичлар махсус MRI Spine Volumetry дастури ёрдамида МРТ услубида кузатилди. Бел умуртқа поғонаси стенозининг оғирлик даражаси касалликнинг неврологик кўринишлари билан солиштириб тасдиқланди.

Умуртқа поғонаси каналининг олдинги девори бўйлаб орқа бўйлама боғлам (ОББ), умуртқа поғонаси каналининг орқа ва ён девори бўйлаб кучли сариқ боғлам (СБ) жойлашган. ОББ нинг қалинлиги нормада 2 мм дан, СБ қалинлиги 3мм дан ошмайди.

Бел умуртқа стенози ривожланишининг остеолигаментар концепциясининг кенг тарқалганлиги сабабли биз ОББ ва СБ ни канал стенозига олиб келувчи эҳтимолли манба сифатида ўргандик. ОББ ва СБ патологияси гипертрофия ва оссификация типи бўйича кузатилди. Улар дурал халта ичини сиқиб, умуртқа поғонаси бел қисмининг марказий стенозига олиб келади.

Бизнинг услубимиз ёрдамида орқа бўйлама (50 нафар) ва сариқ боғлам (40 нафар)нинг гипертрофияси ва оссификацияси билан текширилган

беморларда бел умуртқа канали марказий стенозининг оғирлик даражаси аниқланди. ОББ нинг гипертрофияси ва оссификацияси билан бел умуртқа канали стенозининг енгил даражадаги оғирлиги 12 нафар, ўрта даражадаги оғирлиги 31 нафар, оғир даражадаги оғирлиги 7 нафар беморларда аниқланди. СБ гипертрофияси ва оссификацияси билан енгил даража оғирликдаги стеноз 17 нафар ва ўрта оғирликда 23 нафар беморларда аниқланди. Сарик боғлам зарарланишида стенознинг оғир даражаси аниқланмади.

Безарар ва хавфли ўсмалар, бел умуртқа сегментидан бирламчи келиб чиқувчи ва метастатик ўсмалар фарқланади.

Бел умуртқа канали ичи ўсмалари жойлашиши бўйича уч гуруҳга бўлинади: БУК марказий стенозига олиб келувчи интрамедулляр, экстрамедулляр-интрадурал ва экстрадурал ўсмалар.

Одатда умуртқа поғонасининг ўсмаларини аниқлашда рентгенографиядан фойдаланилади. Умуртқа сегменти ўсмаларида рентгенологик усул ёрдамида ёйлар деструкцияси, умуртқааро тешик ва умуртқа поғонаси канали кенгайиши аниқланган. Рентгенологик усул юмшоқ тўқималар бўшлиқларида тарқалган интрамедулляр, экстрамедулляр-интрадурал ва экстрадурал жойлашган бирламчи ва иккиламчи ўсмалар ташхислашида информатив бўлмаган усул ҳисобланади.

КТ ва МРТ усуллари ўсмаларнинг дифференциал диагностикасида самарали усуллардан ҳисобланади. КТ рентгенографияга нисбатан юмшоқ тўқималарнинг ўзгаришларини аниқлашга сезувчан ҳисобланади. Бемор ҳаётининг сифатини ёмонлашишига олиб келувчи ва даво таъсирларининг махсус усуллари доирасини торайтирувчи, юмшоқ тўқималарнинг шикастланиши, дурал халта компрессияси ва деформацияси, орқа мия ва ликвор блоки компрессияси каби УПБҚ нинг хавфли ўсмаларининг асоратларини аниқлашда МРТ муҳим аҳамиятга эга.

МРТ да интрамедулляр ўсмалар барча холатларда орқа мия ҳажмининг катталаниши ва перифокал шиш билан намоён бўлади. Орқа миянинг интрамедулляр ўсмаларидан бири бўлган эпендимома миянинг марказий қисмидан юзага қараб ўсади. Экстрамедулляр-интрадурал ўсмалар кўпроқ безарар ўсмалардир, улар кўп холларда невринома, менингиома ва камрок холларда экстрамедулляр-интрадурал метастазлар кўринишида кузатилади. Ўсмаларда орқа мия ўлчамларининг катталаниши кўп холларда субарахноидал бўшлиқнинг торайишидан то каналнинг тўлиқ блокадасигача олиб келади (декомпенсирланган стеноз). БУК стенозига олиб келувчи УПБҚ ўсмалари ташхиси билан 40 нафар беморларни МРТ ёрдамида текширдик. Умуртқа поғонаси бел қисмидаги ўсмалар 3 нафар беморда эпендимома, 17 нафарида невринома, 13 нафарида менингиома ва 7 нафарида метастатик ўсмалар кўринишида намоён бўлди. Биз таклиф қилган усул ёрдамида текширилган беморларда спинал стенознинг турли даражалари (компенсирланган, субкомпенсирланган ва декомпенсирланган) аниқланди.

Кўп тадқиқотларда тақдим этилган умуртқа поғонаси бел қисми стенози классификацияси умуртқа поғонаси марказий канали стенози ва латерал рецессус (илдизчалар канали стенози ва умуртқааро тешик

(фораминал стеноз) даражасидаги спинал компрессия билан латерал стенозни фарқлайди. Латерал рецессус ва умуртқааро тешик соҳасидаги стеноз умуртқа поғонаси марказий стенозидан принципиал фарқ қилади.

Умуртқааро канали латерал рецессусининг торайиш мезонлари унинг ўлчамини 5 ммгача ва ундан камроқ, орқа мия нерви умуртқааро канали фораминал тешигининг торайиш белгилари умуртқааро тешик баландлигининг 15ммгача ва ундан камайиши, умуртқа пастки қийиғининг сагиттал ўлчамининг 8 ммгача ва ундан кам, шунингдек умуртқааро диск орқа бўлимларининг 4 ммгача ва ундан камайиши ҳисобланади. Умуртқааро тешикнинг кўндаланг кесимининг критик майдони 40-50 мм² ни ташкил қилади.

Умуртқа поғонаси бел қисми латерал стенозини таърифлаш учун биз Нажжот илдизчаси компрессиясининг турли оғирлик даражаси билан 50 нафар беморларни МРТ усулида текширдик.

Текширилган беморларнинг 90% да умуртқа поғонаси бел қисмининг бир томонлама латерал стенози аниқланди ва у умуртқааро диск даражаси бўйича (умуртқааро канал) кўйидаги кетма кетликда кузатилди: L1-L2 даражасида 4% беморларда; L2-L3да 8%; L3-L4да 14%; L4-L5да 34%; L5-S1да 20% ва бир неча даражаларда 10% беморларда кузатилди. Бир томонлама латерал стенозда ўнг томонлама вариант 36% беморларда, чап томонлама 44% да, тотал стеноз, яъни “кириш зонаси” ва “чиқиш зонаси”да 10% беморларда кузатилди. Ўнг томонлама вариантда умуртқааро каналнинг “кириш зонаси”да стеноз 11 нафар (22%), “чиқиш зонаси”да 7 нафар (14%) беморда кузатилди.

Чап томонлама вариантда “кириш зонаси” 14 нафар (28%), “чиқиш зонаси” 8 нафар (16%) беморларда шикастланди. Бир неча даражадаги стенозли беморларда ўнг томонда 2 нафар (4%), чап томонда 3 нафар (6%) беморларда кузатилди. 10% беморларда икки томонлама латерал стеноз кузатилди. Улар L3-L4 даражасида 2% беморларда, L4-L5да 4% беморларда ва L5-S1да 4% беморларда қайд этилди. L1-L2 ва L2-L3 даражасида икки томонлама латерал стеноз кузатилмади. Умуртқа поғонаси бел қисми латерал стенозининг икки томонлама вариантыда бир нафар беморда умуртқааро каналнинг “кириш зонаси” икки томонлама шикастланганлиги ва шу бемордаги “чиқиш зонаси” чап томонлама шикастланганлиги аниқланди. Қолган 4 нафар беморда умуртқааро каналнинг шикастланиши фақат “кириш зонаси”да иккала томонда кузатилди.

Шундан сўнг, биз таклиф этган усул билан МРТ текшируви натижасига кўра бел умуртқа сегменти патологияси билан бўлган беморларда умуртқа поғонаси бел қисми латерал стенозининг оғирлик даражаси аниқланди. Бу тоифадаги беморларда орқа олдинги ўлчам, умуртқааро канал майдони ва “кириш зонаси” ҳамда “чиқиш зонаси”да илдизча майдони ўнг ва чап томонлама MRI Spine Volumetry махсус дастурида ўлчанди. Улар назорат гуруҳидаги шахсларда умуртқааро канал параметрларининг нормал ўлчамлари билан солиштирилди. Текширилган беморларда умуртқааро тешик стенозининг енгил даражаси 23,6%да, ўрта даражадаги стеноз 43,4%да ва оғир даражадаги стеноз 33,0%да аниқланди. Бу маълумотлар шуни

кўрсатадики, биз таклиф этган усул УПБК латерал стенозининг оғирлик даражасини юқори аниқлик билан белгилашга имкон беради.

ХУЛОСА

1. Умуртқа поғонаси патологияси бўлмаган (назорат гуруҳидаги шахслар) ва бел умуртқа стенози келиб чиқишига олиб келувчи умуртқа поғонаси бел қисми патологияси билан бўлган беморларни қайд қилиш учун нур ташхислаш – рентгенологик, КТ ва МРТ расмий карталари шакллантирдик ва клиник амалиётга татбиқ этилган.

2. Умуртқа поғонаси танаси, умуртқааро диск, умуртқа канали ичи ва умуртқааро тешик параметрларининг барча анатомик ўлчамлари бўйича рентгенологик (3150 ўлчов), КТ (4375 ўлчов) ва МРТ (8400 ўлчов) усуллари ёрдамида янги усул ишлаб чиқилди. Улар умуртқа поғонаси топографик анатомиясига қўшимча маълумот берган.

3. Умуртқа поғонаси бел қисмининг дегенератив ўзгаришлари ва ўсмаларида бел умуртқа танаси, умуртқааро диск, умуртқа канали ва умуртқааро тешикларнинг анатомик параметрлари рентгенологик (1200 ўлчов), КТ (2400 ўлчов) ва МРТ (52500 ўлчов) усуллари ёрдамида янги усул ишлаб чиқилди ва бу умуртқа поғонаси бел қисми марказий ва латерал стенозининг оғирлик даражасини аниқлаш имконини берган.

4. МРТ ёрдамида умуртқа поғонаси бел қисми каналининг юмшоқ тўқималари чегараси, дурал халта ва умуртқааро тешик кесма юзасини ўлчашнинг янги услуби ишлаб чиқилди ва бу умуртқа поғонаси бел қисми марказий ва латерал стенознинг оғирлик даражаси аниқлаш имконини берган.

5. Умуртқа канали юмшоқ тўқималар чегарасининг юзаси 250-290 мм²га тенг бўлганда, дурал халта 160-190 мм² мм² ва умуртқаро тешик 106-127 мм²га тенг бўлганда умуртқа канали кўндаланг кесими ва умуртқааро тешикни нормада деб ҳисобланган.

6. Умуртқа канали юмшоқ тўқималар чегарасининг юзаси 190-220 мм² (25%) ва дурал халта 120-145 мм² (25%)гача торайганда стеноз енгил даража деб ҳисобланди, 125-145 мм² (25-50%) ва 80-95 мм² (25-50%)гача торайганда ўрта оғир даража, мувофиқ, 125 мм² (50%дан кўпроқ) ва 90 мм² (50%дан кўпроқ) стеноз оғир даража ҳисобланган.

7. Умуртқааро канал 25%гача торайганда латерал стеноз енгил даража, 26%дан 50%гача ўрта оғир даража ва 50%дан кўпроқ бўлса латерал стеноз оғир даража, деб ҳисобланган.

8. Такмиллаштирилган умуртқа канали юмшоқ тўқималар чегараси кўндаланг кесими юзаси периметрини, дурал халта ва компримирланган компонентни ўлчаш усулини жорий этилиши спинал стенозни оптимал, информатив, но-инвазив ташхислаш усулини ва тегишли даволаш тактикасини танлашга имкон берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ ЦЕНТРЕ
ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА и
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ по
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

АБЛЯЗОВ ОТАБЕК ВАХАБОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ЛУЧЕВОЙ ДИАГНОСТИКИ
РАЗЛИЧНЫХ ВАРИАНТОВ ПОЯСНИЧНОГО ПОЗВОНОЧНОГО
СТЕНОЗА**

14.00.19 – Клиническая радиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2017.1.DSc/Tib91

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант	Икрамов Адхам Ильхамович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Черемисин Владимир Максимович доктор медицинских наук, профессор Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич доктор медицинских наук, профессор Зарединов Дамир Арифович доктор медицинских наук
Ведущая организация	Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Сибирский государственный медицинский университет» Министерства здравоохранения Российской Федерации (г.Томск).

Защита состоится «__» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре АО «Республиканский специализированный центр хирургии имени академика В.Вахидова» (зарегистрирована за № 18). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки № __ от _____ 2017 года).

Ф.Г. Назыров

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.м.н., профессор

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. По данным ВОЗ «боль в спине является второй по частоте причиной обращаемости к врачу и третьей по частоте госпитализаций. В неврологических стационарах до 80% больных составляют пациенты, страдающие дегенеративно-дистрофическими заболеваниями позвоночника». ¹ «Дегенеративный стеноз позвоночного канала в настоящее время служит самой частой причиной временной нетрудоспособности лиц старше 45 лет». ² При этом пояснично-крестцовая локализация дегенеративного поражения определяется более чем у 60% больных. До настоящего времени «проблемы диагностики поясничного позвоночного стеноза в результате дегенеративных и других заболеваний позвоночника, сохраняет своё значение не только в медицинском, но и в социально-экономическом аспекте» ³.

С первых дней независимости нашей страны непрерывно осуществляются масштабные мероприятия по организации фундаментально новой, качественной медицинской помощи населению, выполнены планомерные мероприятия и внедрены эффективные модели системы здравоохранения. В результате проведенных мероприятий, в том числе, достигнуты положительные эффекты в улучшении качества диагностики стеноза позвоночного канала, за счет внедрения в клиническую практику новейших систем лучевой диагностики, таких как высокопольные магнитно-резонансные (МРТ) и мультислайсные компьютерные томографы (КТ), которые позволяют детально изучить различные заболевания позвоночника. Несмотря на проводимые целевые меры в системе здравоохранения на сегодняшний день, в том числе по лучевой диагностике имеются ряд задач ожидающих своего решения. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи пенсионерам, инвалидам, одиноким престарелым и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности ⁴. В соответствии с этим изучение клинико-функциональных изменений в позвоночном столбе при стенозе позвоночного канала и оптимизация медицинской помощи является одним из актуальных направлений для исследования.

На мировом уровне развитие лучевой диагностики способствует улучшению качества лечения больных со стенозом позвоночного канала, но «при всем многообразии клинических проявлений поясничного

¹ World Health Organization. Spinal disorders: fact sheet no. 238. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs297/en>, accessed September 10.

² Луцик А.А., Епифанцев А.Г., Крутько А.В., Колотов Е.Б., Аминов Р.Р., Бондаренко Г.Ю. Дорсальные и вентральные декомпрессивно-стабилизирующие операции при одноуровневом комбинированном латеральном стенозе поясничного отдела позвоночника // Хирургия позвоночника, 2012, №1, С. 54–61.

³ Schwaiger BJ, Behr M, Gersing AS, Meyer B, Zimmer C, Kirschke JS, Ryang YM, Ringel F. Computed Tomography Findings Associated with Clinical Outcome After Dynamic Posterior Stabilization of the Lumbar Spine // World Neurosurg 2016 Sep;93:306-14.

⁴ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

позвоночного стеноза в современной клинической практике, как правило, их диагностика осуществляется методами лучевой диагностики».¹ «Проблемы ранней, достоверной и вместе с тем неинвазивной диагностики поясничного позвоночного стеноза далеки от своего окончательного решения». Многие вопросы детализации лучевой диагностики при стенозе поясничного отдела позвоночника (ПОП) остаются открытыми. На сегодняшний день наиболее актуальными остаются вопросы разработки сравнительных метрических нормативов при норме и стенозировании позвоночного канала при рентгенографии, КТ и МРТ. Измерение площади ПОП с помощью методов лучевой диагностики (КТ и МРТ) сформированы неполноценно, так как не охватывают весь объем патологии при стенозировании поясничного позвоночного канала. В том числе, немаловажным остаются вопросы разработки классификационных диагностических критериев центральных и латеральных стенозов для определения их степени тяжести и соответственно расширения возможности выбора оптимального метода лечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.² Научные исследования, направленные на улучшение диагностики и результатов лечения поясничного позвоночного стеноза, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе, Department of Radiodiagnosis, Kasturba Medical college, Manipal University, (India); Department of Radiology and Diagnostic Imaging, Medical

¹ Tonosu J, Inanami H, Oka H, Katsuhira J, Takano Y, Koga H, Yuzawa Y, Shiboi R, Oshima Y, Baba S, Tanaka S, Matsudaira K. Diagnosing Discogenic Low Back Pain Associated with Degenerative Disc Disease Using a Medical Interview // PLoS One. 2016 Nov 7;11(11):e0166031.

² Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Rai PV, Santosh K, Chakraborti S, Pai S, Keerthi I, Pai MK. A blast from the past!: The value of adding single slice magnetic resonance myelography sequence to magnetic resonance imaging of the spine; a flashback to the conventional myelography of the past // Surg Neurol Int. 2014 Dec 30;5(Suppl 15):S523-8. Szwedowski D, Walecki J. Spinal Cord Injury without Radiographic Abnormality (SCIWORA) - Clinical and Radiological Aspects // Pol J Radiol. 2014 Dec 8; 79:461-4. Sumer J, Schmidt D, Ritt P, Lell M, Forst R, Kuwert T, Richter R. SPECT/CT in patients with lower back pain after lumbar fusion surgery // Nucl Med Commun. 2013 Oct; 34(10):964-70. Mayer HM, Heider F. Selective, microsurgical cross-over decompression of multisegmental degenerative lumbar spinal stenoses: the "Slalom" technique // Oper Orthop Traumatol. 2013 Feb;25(1):47-62. Antoniadis A, Ulrich NH, Schmid S, Farshad M, Min K. Decompression surgery for lumbar spinal canal stenosis in octogenarians; a single center experience of 121 consecutive patients. // Br J Neurosurg. 2016 Sep 20:1-5.

Center of Postgraduate Education (Poland); Clinic of Nuclear Medicine, Friedrich-Alexander-University (Germany); Wirbelsäulenzentrum, Schön Klinik München-Harlaching, Harlachinger (Deutschland). Department of Orthopedics, University Hospital Balgrist, University of Zurich (Switzerland); Department of Medical Research and Management for Musculoskeletal Pain, 22nd Century Medical and Research Center, Faculty of Medicine, The University of Tokyo (Japan); ФГАУ «Национального научно-практического центра нейрохирургии имени акад. Н.Н. Бурденко» Минздрава России (Россия), Республиканский научный центр нейро-хирургии (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по диагностике и лечению дегенеративных поражений пояснично-крестцовой локализации получен ряд научных результатов, в том числе: доказано, что дегенеративные и дислокационные процессы поясничного позвоночного сегмента, как выпячивание межпозвонкового диска, антелистез, ретролистез и латеролистез позвонков, остеофиты тел позвонков и суставных фасеток, гипертрофия и оссификация задней продольной и желтых связок и другие внутриканальные патологии позвоночника приводят к уменьшению размеров позвоночного канала, латерального рецессуса, фораминального отверстия, т.е. к образованию поясничного позвоночного стеноза (Department of Neurosurgery, Ain Shams University, Egypt), определено, что для верификации причины развития поясничного позвоночного стеноза и его диагностики следует изучать основы нормальной анатомии поясничного отдела позвоночника, сопоставляя выше перечисленные патологические состояния ПОП с нормой, определяя степень тяжести поясничного позвоночного стеноза (Department of Spine, Shandong Provincial Hospital Affiliated to Shandong University, China). Доказано, что структурные изменения ПОП, приводящие к сужению канала, хорошо определяются лучевыми методами диагностики, однако, диагностическая ценность лучевых методов исследования для выявления поясничного позвоночного стеноза сильно различается: в одних работах выявлены их высокая чувствительность, в других высокая специфичность (Department of Orthopedics, University Hospital Balgrist, University of Zurich, Switzerland).

В настоящий период в мире продолжают исследования по улучшению диагностики и результатов лечения поясничного позвоночного стеноза, в том числе: сравнительный анализ уровня информативности рентгенологического, КТ и МРТ методов исследования в определении нормальных и патологических параметров ПОП; определение патологических радиологических параметров костных и мягкотканых структур ПОП, вызывающих поясничный позвоночный стеноз; разработка высокоинформативных вариантов лучевой диагностики поясничного позвоночного стеноза с определением степени его тяжести.

